

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Тойлок туман ҳокимлиги  
Ободонлаштириш бошқармаси  
бошлиғи: Ш.Одилов  
“18” “май” 2022 йил

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

Тойлок-2022й

Танлов хужжатларини мазмуни

1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
2. Техник қисм
3. Нархлар қисми

## **ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ЮРИҚНОМА**

### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1.1. Танлов предмети Тойлоқ тумани Эскижума МФЙ 10-сонли мактабга бориш автомобил йўлини жорий таъмирлаш

1.2. Танловнинг охириги қиймати-Лойиха смета суммасидан 5% камайиш. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 кун муддатда

### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. Тойлоқ туман ҳокимлиги Ободонлаштириш бошқармаси (бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади)-танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Тойлоқ туман Мустақиллик кучаси 3-уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов Тойлоқ туман ободонлаштириш бошқармаси “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3. Танлов иштирокчилари.**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

Танлов предмети қийматининг камида 15% и миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар) ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги.

Шартномалар тузиш юзасидан фуқаролдик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар; Танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

Ўз кучлари билан илгари бажариладиган ишларининг мўлжалланилаётган ҳажми (50% дан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка мувофиқ лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рўхсат берилмайди:

Қайта ташкил этиш (ажралиши, қушилиш), тугаш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1.Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишида (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2.Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар Буюртмачи ва иштирокчи ўзбек тилида тақдим этилиши лозим.

4.3.танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм. “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак.
- Нарх қисми. Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажарини муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этилиши лозим.

4.4.Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

- Техник таклиф. Ферменни бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган ҳолда:
- Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади)
- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.5. Танлов иштирокчилари.

-фақат битта таклиф бериши мумкин

-тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади.

-таклифлар муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

#### **5.ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1.Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириш мумкин.

5.2.Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

#### **6.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

6.1.Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларини бузган шахсларни қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ҳолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этган барча ҳужжатларни қонунийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ҳолиб иштирокчи топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларида ўзгаришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (иш хизмат)ни ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан этиборан камида уч кун узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатларини қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан этиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб, тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Тарафларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзолаган кундан этиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталаган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан этиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган ишлар асосида тузилади

Бош муҳандис:

Техник назоратчи:



А.Шарипов

З.Арабов

10

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Тойлоқ туман хокимлиги**

**Ободонлаштириш бошқармаси**

**бошлиги: Ш.Одилов**

**“18” “май” 2022 йил**



**Техник топшириқнома**

**Буюртмачи**

**Тойлоқ туман Ободонлаштириш бошқармаси**

**Самарқанд вилояти Тойлоқ туман Эскижума МФЙ 10-сонли мактабга  
бориш автомобил йўлини жорий таъмирлаш бўйича рақобат**

№	Маълумотлар	Асосий маълумотлар ва талаблар
1	Бажариладиган иш	Самарқанд вилояти Тойлоқ туман Эскижума МФЙ 10-сонли мактабга бориш автомобил йўлини жорий таъмирлаш бўйича рақобат
2	Буюртмачи	Тойлоқ туман Ободонлаштириш бошқармаси
3	Бажарувчи	
4	Объект жойлашган манзил	Эскижума МФЙ
5	Алохида талаблар	Қурилиш таъмирлаш ишларини 50% ини ўз кучи билан бажариши шарт
6	Махсус хусусиятлар	Автомобил йўлини жорий таъмирлаш
7	Тўлов шартлари	Олдиндан 30% тўлов қолган 70% тўлов қурилиш таъмирлаш ишларининг ниҳоясида амалга оширилади.
8	Қўшимча хизмат	Танлов комиссияси мажлисининг шакллари онлайн тарзида амалга оширилади

Бош муҳандис:

Техник назоратчи:



А.Шарипов

З.Арабов